

## **HELICHRYSUM Mill.. ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

**Саодат Қодирова**

Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети биология  
кафедраси магистранти  
[plant\\_2018@mail.ru](mailto:plant_2018@mail.ru)

**Алишер Хужанов**

Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети биология  
кафедраси ўқитувчиси б.ф.ф.д., (PhD)  
[plant\\_2018@mail.ru](mailto:plant_2018@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада *Helichrysum* Mill. туркумининг умумий турлар ҳақида, тарқалиши ва қимматли доривор ўсимлик – Самарқанд ўлмасўти (*Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.) нинг захираси, тўпгулининг кимёвий таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот давомида ушбу ўсимликнинг дунё бўйлаб ва республикамиз худулариди тарқалиши бўйича хариталари акс этирилди.

**Таянч сўзлар:** *Asteraceae*, *Helichrysum maracandicum*, доривор, биологик, кўп йиллик., флора, Ar Gis 10, ареал.

## **HELICHRYSUM Mill. DISTRIBUTION OF GENERATION TYPES**

**Saodat Kodirova**

Master of the Department of Biology, Faculty of Natural Sciences  
Chirchik State Pedagogical Institute  
[plant\\_2018@mail.ru](mailto:plant_2018@mail.ru)

**Alisher Khujanov**

PhD in Biological Sciences, Lecturer of the Department of Biology  
Chirchik State Pedagogical Institute  
[plant\\_2018@mail.ru](mailto:plant_2018@mail.ru)

### **ABSTRACT**

The article provides information about the general species of the genus *Helichrysum* Mill., the distribution and stock of the valuable medicinal plant -

Samarkand algae (*Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.), the chemical composition of the inflorescence. During the study, maps of the distribution of this plant around the world and in the regions of the republic were presented.

**Keywords:** Asteraceae, *H. maracandicum*, medicinal, biological, perennial. Flora, Ar Gis 10, areal.

## КИРИШ

Жаҳонда доривор ўсимлик турларини аниқлаш, биологик хусусусиятларини ўрганиш ва фармацевтик истиқболлини баҳолаш, табиий ва антропоген омиллар таъсирида доривор ўсимлик турларининг заҳираларини камайиб кетиш сабаблари аниқлаш, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўллариини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда ҳам ушбу соҳада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ 4670-сонли “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2020-йил 26 ноябрдаги ПҚ 4901-сонли “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар” тўғрисида қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, шунингдек доривор ўсимлик турларини кўпайтириш, табиий ресурсларни баҳолаш ва хом ашёлари асосида табиий дори воситаларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам доривор ўсимликларнинг минглаб турлари учрайди. Жумладан, маҳаллий флорада 4500 мингдан яқин ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, шундан 750 тури доривор, 112 турдаги ўсимликлар тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган ва 70 та тури фармацевтика саноатида фаол ишлатилмоқда [7,9,12].

Мамлакатимиз ҳудудида ўсадиган кўпгина доривор ўсимликлар қаторида Asteraceae оиласи *Helichrysum* Mill. туркуми *Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp. доривор ўсимлиги асосан тоғли Ўрта Осиё ареал типиди тарқалган

бўлиб, ареалини иқлим хариталари билан солиштирганда шу нарса маълум бўлдики, ўлмасўт ареали ёз ойлари иссиқ ва қуруқ, қиш ойлари совуқроқ, баҳор ва куз ойлари ёғингарчилик кўпроқ кузатиладиган минтақаларга тўғри келади [8].

Ўлмасўт гемикриптофит, ўқ илдизли поликарп ўсимлик ҳисобланиб, адир ва тоғ минтақаларида 1000 метрдан 2500 метргача бўлган баландликда учрайди [1,3,5,6].



**1-расм:** *H.marasandicum* ўсимлиги.


*H.marasandicum* бўйи 35-70 см, поялари кўп сонли, барглари қалами-наштарсимон, окнаматтукли, саватчалари яримшарсимон, гуллаган вақтида шарсимон, диаметри 8-10 мм, саватчалари кўп гулли (60-75), (6) 15-50 (100) тадан бўлиб, бошча ёки компакт қалқонсимон тўпгулларда ўрнашган (1-расм). Баъзан ёш пайтларида бир нечта уч барглар билан ўралган. Уруғларининг узунлиги 0,5-0,8 мм, призматик, тўқ қўнғир рангда, оқиш безчалар билан қалин қопланган. *H.marasandicum* доривор ўсимлик ҳисобланиб, гулининг таркибида флавоноид (37,20%), гликозидлар, кумаринлар, стеринлар, К витамини, мум ва аччиқ танид, эфир мойи (0,08-0,11% гуллаган вақтда) учрайди [7,9,11,12,].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳаллий аҳоли бир неча асрлардан буён ўз эҳтиёжи учун мазкур ўсимликдан дамламалар сифатида фойдаланиб келмоқда. *H.marasandicum* турининг асосан, дориворлик хом ашёси сифатида тўпгуллари фойдаланилади. Европа давлатларида (Болгария, Германия) бўзноч гулидан қайнатма, дамлама, тиндирма, экстракт кўринишида жигар ва ўт пуфаги касалликларида, иштаҳани

очиш ҳамда овқат ҳазм қилиш системаси фаолиятининг бузилишида фойдаланилади. Баъзи илмий манбаларда бўзоч нафақат пешоб ҳайдаш, балки организмни захарли моддалардан тозалаш хусусиятига ҳам эгаллиги келтирилиб ўтилган. Бундан ташқари, бўзоч ошқозон ва ошқозонности секрециясини кучайтиради [9].

Халқ табобатида жигар, ўт йўллари касалликларида, сафро ҳайдовчи сифатида, сафро кислотаси концентрацияси ва билирубин миқдорини камайтириш, ошқозон ва ошқозонности беги фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга. Ошқозон ва буйрак касалликларига қарши дамламалардан, медицинада эса холецистит ва гипотохолецистит касалликларини даволашда қуруқ ва суюқ экстрактлар сифатида кенг фойдаланилади [9,12].




**2-расм.** *Helichrysum* Mill. туркуми турларининг ер юзида тарқалиши.

Туркум вакиллари дунё миқёсидаги тарқалиш ареали жуда ҳам кенг ҳисобланади. *Helichrysum* Mill. туркуми турларининг ер юзида 800 дан ортиқ, МДХ мамлакатларида 16 тури, Ўрта Осиё мамлакатларида 8 та тури учраб, 30 га яқин турлари манзарали ўсимликлардир (2-расм) [2,3,4,5,6].

Хусусан Ўзбекистон флорасида 4 тури (*H.arenarium* Moench, *H.maracandicum* Popov ex Kirp., *H.mussae* Nevski, *H.nuratavicum* Krasch.) [5,6] тарқалган. Бундан *H.nuratavicum* флорамизнинг эндем турлари ҳисобланиб, Нурота тоғ тизмасида учрайди. Мазкур тур Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га 2 мақоми билан киритилган [10,13].

*H.maracandicum* республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент ва Наманган вилоятларида учрайди. *H.maracandicum* маҳаллий аҳоли томонидан турлича номлар билан, хусусан республикамизда Самарқанд ўлмасўти ёки бўзоч, Тожикистонда ғозичой ёки гули ғози, ҳамиша баҳор деб номланади (3-расм) [5,6,12].



3-расм. *H.maracandicum* нинг республикамиз бўйича тарқалиши.

## ХУЛОСА

*H.maracandicum* устида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда табиий заҳиралари кескин равишда камайиб кетганлиги, яъни заҳираси 0,3 тоннани ташкил этиши ўсимликга бўлган талабни бажара олмаслигини кўрсатади. Шу боисдан ўсимликни табиий заҳираларини камайиб кетганлиги, ўсимликнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда ўсимликга бўлган талабни қондириш мақсадида, уруғидан кўпайтириш ва сунъий плантациялар ташкил қилиш агротехикасини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

## REFERENCES

1. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна р.Зарафшан.–Ташкент.: Фан, 1955. - Ч.1. - С. 205-207.
2. Кирпичников М. Э. Обзор видов рода *Helichrysum* Mill., произрастающих в СССР // Бот, мат. гербария Бот, ин-та АН СССР. М.; Л., 1960. - Т. XX. - С. 314-366.
3. Определитель растений Средней Азии.–Ташкент, 1993.Т. X. – С. 464-467.
4. Флора СССР. - М. 1959.Т. XXV. - С. 404-431.
5. Флора Таджикской ССР. Л.: Наука, 1988.Т. IX.- С. 290-294.
6. Флора Узбекистана. - Ташкент, 1962.-.Т. VI. - С. 78-811.

7. Хожиматов О.К. Лекарственные растения западного Тянь-Шаня (в пределах республики Узбекистан): Автореф. дис. ... док. биол. наук. – Ташкент, 2008. – 35 с.
8. Холмуратов А.М. Бойсун-чўлбаир тоғларининг ўсимликлар қоплами // Автореф. дис. ... кан. биол. наук. – Ташкент, 2007. – 45 с.
9. Хужанов А.Н. Ўзбекистонда тарқалган *Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp. ning биологияси ва ресурслари // Автореф. дис. ... б.ф.ф.д. (PhD). Ташкент, 2020. – 45 с.
10. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томда. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т. 1. – 360 б.
11. Alisher N.Khujanov. Distribution and Current Stat Cenopopulations of *Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp. in Uzbekistan // American Journal of Plant Sciences. 2019. Vol. 10. pp. 1280–1286.
12. Olim K. Khojimatov, Dilovar T. Khamraeva, Rainer W. An overview of Ethnomedicinal plants of Uzbekistan. Ethnobotany Research & Applications. 2020. Pp. 1-19 <http://dx.doi.org/10.32859/era.20.08.1-19>.
13. [www/floruz.uz](http://www.floruz.uz)